**«Ҳилол» тўгараги ҳақида эшитганимга кўп вақт бўлди... унинг фаолиятини ёритиш бўйича топшириқ олганимга ҳам. Тўгарак машғулотини кузатиш давомида, ҳамма дангасаларга хос «нима деб ёзаман?» деган савол бошимда айланиб турди. Машғулотнинг ўртароғига келиб, тўгарак аъзолари билан орамиз андак «бузила бошлагач», ҳамма худбинлардек «ёзмайман» деган ўйга бордим. Бу ўйим тилимга кўчгач, энди тўгаракдагилар қувиб чиқаради, деб ўйлаб, кетишга ҳам тайёрланиб, ҳурпайиб олдим.**

**Йўқ, ажабки, тўгарак машғулотидан жуда зўр бўлмаса-да, яхши кайфият билан чиқдим. Кайфиятимнинг зўр эмаслигига тўгаракнинг ҳам, тўгарак аъзоларининг ҳам алоқаси йўқ... Аввалроқ, тўгарак раҳбари Олим Тўлабоев билан хайрлашаётиб, кейинроқ университет биносидан чиқаётганда, кўнглимда недир бир қарздорлик туйғуси уйғондики, бу туйғу кета-кетгунча «энди тўгарак ҳақида ёзишим шарт» деган қатъий қарорга айланди. Бу қарздорлик туйғуси недан эканлиги ҳақида эса кейинроқ...**

# БИР МАШҒУЛОТДАН СЎНГ...

*Нетай, сизни кўрмасдан олдин*
*Бу ҳисларга бегона эдим...*

Ҳали талабалик пайтимизда «ҳилол»чиларнинг ижоди ҳақида эшитиб юрардик. Баъзи курсдошларимиз тўгарак машғулотларига, муҳокамаларига қатнашиб ҳам туришарди. Аъзоларнинг шеърлари билан, тўғриси, узоқроқ таниш эдим. Бир Алишерни-ю, бир Алимуродни яхши танирдим. Билишимча, ЎзМУнинг филология факультети қошида ташкил этилган бу тўгаракка журналистика факультетидан ҳам ижодкорлар қатнашишарди. Ўша кунги машғулотдан кейин билдимки, тўгаракнинг, ҳатто химия факультетидан ҳам аъзолари бор экан. Тўгаракнинг энг яхши анъаналаридан бири ҳар бир машғулотнинг дастлабки қисми бир ижодкорнинг асарлари муҳокамасига бағишланар экан. Бундан ташқари, атоқли шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар билан мулоқотлар уюштирилиши ҳам одат тусига кириб улгурган...

Тўгарак аъзоларининг бир-бир шеърларини эшитдик: Абдулатиф, Тўлқин, Жамшид, Акмал, Гўзал, Зебо...

***...Сочларингиз толаларидай***
***Ўйлар мени қилади бетоб.***
***Юрагимнинг лолаларидай***
***Қўлингизда қип-қизил китоб.***

***Яқинмизу орамиз узоқ,***
***Ҳаяжоннинг кўксини тилдим.***

*...Қўйнингизда қип-қизил китоб,*
*Менда эса ярадор орзу...*
*Гўзал қизнинг бўлгани азоб,*
*Абадият қонуни ҳам шу!*

Бу Тўлқиннинг ўша куни ўқиб берган шеъридан. Тўлқингача ҳам бир қанча шеърлар ўқилди. Икки тўгарак аъзосининг шеърлари муҳокама қилинди. Муҳокамадаги шеърлар ҳақида бир қадар самимий, бир қадар жўшқин, бир қадар муболағали фикрлар айтилди. Танқидлар ҳам бўлди озроқ. Лекин аксари мақтов. ҳатто муҳокамадаги шеърларга юки оғирлик қиладиган таҳсинлар. Дугонам иккимизнинг «даҳолигимиз» тутди. Бир танқид қилдик, бир танқид қилдик... Бутун можаро шундан кейин бошланди. «Ёзмаймн» деган фикр ўша пайт уйғонди. Мен энди шу можаро билан кетсак керак, деб ўйлаб тургандим, йўқ, ҳаркалай, муросага келдик. Олим ака «Тўгарак аъзолари ҳали ҳаваскор ижодкорлар, уларга бунча талаб оғирлик қилади», деганларидан сўнг «тошбўрон»ни тўхтатдик. Энг ёмони бу гапни танбеҳ оҳангида айтмадилар...

Асли қачон қадрдон факультетга борсам, ўзимнинг ёмонлигимдан, беодоблигимдан, худбинлигимдан, билимсизлигимдан, ҳафсаласизлигимдан ва яна аллақанча нарсалигимдан уялиб кетаман. Негаки, у ердаги барча устозлар бошқача, содда қилиб айтганда жуда Яхши Одамлар. Баъзан уларнинг яхшилигига ҳавасдан кўра ҳасадга мойилроқ туйғуларга берилиб кетсам, алам билан «Лолазор»часига кўнглимдан кечираман: «Одоблики, одоби жигарингни эзади.» Юқорида айтилган қарздорлик туйғуси ҳам шу гапларга боғлиқ.



Машғулотнинг ўртасидаги гапларни ёзмай қўя қоламан.

Машғулот охирида тан олиш керакки, дилимизда пушаймон уйғониб қолди. Балки, Олим ака ўша гапларни танбеҳ оҳангида айтганларида пушаймон уйғонмас ҳам эди. Хайрлашаётиб «Келганларингиз учун раҳмат. Мақола қилмасангиз ҳам майли, фақат бошқа ижодкор ёшларни ҳам кейинги машғулотларга бирга олиб келинглар. Сизларнинг келганларингиз тўгаракни анча жонлантирди», деб миннатдорлик ҳам билдирдилар Олим ака. Аввалги гаплари ҳам бир бўлди-ю, буниси ҳам бир бўлди. Университет биносидан чиқаётгандаги кўнглимда уйғонган қарздорлик туйғусининг айни сабаби ҳам шу. Алам қиладики, бунинг ўрнига койиганлари яхши эди. Ўша пайтда кўнглимда туғилган яна бир ният бор эдики, тезроқ тўгарак ҳақида ёзсаму тезроқ газетада чоп қилинса ва газетани кўтариб «Ҳилол»га келсам деган. Бу ният томон бир қадам қўйдим. Кейинги қадамлар билан кўнглимдаги пушаймонлик туйғуси бироз енгиллашар...

Сўнгги сўз ўрнида, мендан шеър ўқишимни сўраб, анчадан бери унут бўлиб кетаёзган кимгадир шеър ўқиб бериш завқини ҳадя этган «ҳилол»чиларга Миннатдорчилиғимни билдириб ўтмоқни жоиз деб топдим.

**P.S:** Бу мақолада «Ҳилол»нинг фаолияти ҳақида деярли кўп гап бўлмаганлиги табиий, чунки... сабаблари юқоридаги сўзлардан аён. «Ҳилол» тўгараги аъзоларининг ижоди ҳақида насиб этса, кейинроқ, албатта, яна бир мақола ёзилмоғи тайин.

**Зумрад ВАҲОБОВА**

# ҚЎҚОН БУЛБУЛИ

## *Ўзбекистон халқ артисти Раҳимахон Мазоҳидова билан суҳбат*

*(Боши 3-бетда)*

**- Сиз қўшиқчилик, театр ишлари билан бир пайтда беш нафар фарзанднинг онаси, йигирмадан ортиқ набира-ю, саккиз нафар невараларнинг бувижонисисиз. Юртимиздаги тадбиру сайиллар сизсиз ўтмайди. Фарзанд тарбиясига қачон вақт топгансиз? Ҳам санъат йўли, ҳам о ила, оналик масъулияти қийин кечмайдими?**

- Агар эътибор берсангиз, айниқса, аёл санъаткор олдида кўпинча ё санъат, ёки оила деган масала кўндаланг бўлади. Кўпинча биринчисини танлаганлар иккинчисини қурбон қилишга мажбур бўлишади. Бу ҳам умр йўлдошини тўғри танлаш билан боғлиқдир, балки. Менинг турмуш ўртоғим ҳам санъаткор эди. Бир неча йил театрда директор муовини бўлиб ишлаган. Биз ҳамиша иш билан банд эдик. Болаларим тарбиясига аям кўмаклашганлар. Аям доно, оқила аёл эдилар, мен уларга жуда суянардим. Тўрт нафар қизим: Шаҳзода, Нодира, Фирдавс, Фирзодахон, ўғлим Аббосхоннинг тарбиясини аямга ишонганман. У киши болаларимни мендан ҳам ортиқ яхши кўрарди. Аям аллани жуда яхши айтарди. Бир куни ишдан келсам, аям алла айтяпти. Шу пайтда Нодира қизимни Марғилонга турмушга узатган эдик. ҳадеганда келавермайди. Аям Нодирага бўлган соғинчини аллага қўшиб айтарди:

**Кўргим келар Марғилонни, аллаё, алла,**
**Марғилонда қолган Нодираи давронни, алла-ё, алла...**

Эшитиб ўзим ҳам қизимни соғиниб юм-юм йиғлаганман. Худога шукр, фарзандларим ҳаётда ўз йўлларини топиб олишди. Ҳаммаси олий маълумотли. Бугунга келиб аямнинг вазифаси менинг зиммамда. Ҳозир тарбия масаласида қизларим ва келиним билан маслаҳат қиламиз. Сабийларга йўл-йўриқ кўрсатамиз. Набираларимга қараб кўнглим ўсади.



**- Тарбияда ҳаётдан олинган бой сабоқлар қўл келади,- тўғрими?**

- Ҳа, ҳаётнинг ўзи тарбиячи. У ҳар нарсада бизга ўзининг сабоғини бериб туради. Аввало ҳар бир инсонга яратганнинг ўзи инсоф берсин. Биз уйда боламизга «яхши бўлгин», деб тарбия берсагу, ўзимиз кўчада бировнинг дилини ранжитсак, қандай қилиб фарзандимизнинг тарбиячисимиз, дея оламиз. Бизнинг тўғри яшашимиз, тўғри ҳаракатимизнинг ўзи тарбия. Ахир халқимиз бекорга «Қуш уясида кўрганини қилади» деб айтмаган. Болаларни уриб бўлмайди. Уларга фақат ўрнак бўлиш орқали яхши тарбия бериш мумкин.

Ҳаётда не-не оғирликлар бўлади. Синглим оламдан ўтиб, беш нафар боласи қолди. ҳаммасини катта қилдим, ўқитдим, уйли-жойли қилдим. Улар ҳам ўз онасидек кўришади мени, имконим етган кезларда болалар уйидаги болаларга ҳам қарадим, тўй қилиб бердим, катталарини уйлантирдим. Инсондан қоладиган нарса ҳам фақат яхшилик.

Бир куни жуда ғалати воқеа бўлди. Уйимизга бир киши келди. Менга «тайёр бўлиб туринг, фалон соатда келиб олиб кетаман», деди. Мен тўйига бормаслигимни, йиқилиб тушганим учун яхши юра олмаслигимни айтдим. «Майли, ая, сизни хизматга олиб бормайман, меҳмонга олиб бораман, бу бир хастанинг хоҳиши», деди. Буни эшитиб, саккизта патирни ўраб, тайёргарчилик кўрдим. ўша киши мени олиб кетишга келди. Лекин қаерга, кимнинг уйига олиб бораётганини айтмади. Қарасам, тўғри тўйхонага келдик. Билсам, бу уйнинг аёли оғир касал, омонат кунларида ўғлини уйлантираётган экан. Шу аёл менинг «Ёр-ёр»имга орзуманд бўлибди. Мен учун сўрига кўрпачалар тўшаб, юмшоқ жой қилиб қўйишибди. Соғлигим ёмон бўлишига қарамай, шу аёл учун «Ёр-ёр» айтдим. Аёлнинг миннатдорчилигидан ўзим ҳам анча енгиллагандек бўлдим.

**- Қўқон давлат мусиқали драма театрида узоқ йиллар ишлагансиз...**

- Кексалик чоғимда театрни ва театр санъаткорларини энтикиб соғинаман. Фарзандларим театрга олиб бориб туради. Шогирдларим, театр жамоаси мени ҳар вақт эъзозлашади. Театр саҳнасида, санъат соҳасида 45 йилдан ортиқ ижодий фаолият кўрсатдим. «Бой ила хизматчи»да Раҳима хола, «Муқимий»да Рисолат чевар, «Қуёшнинг омонати»да Тўти, «Дўст нидоси»да Раъно, «Адашган соҳибжамол»да Чарос каби 30дан ортиқ театр асарларида турли образлар яратдим. «Ўзбекфильм»да суратга олинган «Ўткан кунлар», «Зулматни тарк этиб», «Оталар васияти» фильмларида суратга тушдим. Хурсаной Қодирова, Муборакхон Тошматова сингари 30 дан ортиқ ажойиб шогирдларим бор, улар ҳаётимнинг изи.

**- «Омонёр» фольклор дастаси 1981 йили сизнинг етакчилигингизда ташкил этилганди. Дастанинг шу кунги фаолияти сусайгандек, назаримда.**

- Рост, «Омонёр» фольклор дастасининг ижодий фаолияти айни кунда сустроқ. Театр, маданият уйи қошидаги дасталар ривожига кийим-кечак, сафар харажатлари, маош ва санъаткорларни рағбатлантириш каби маблағ билан боғлиқ муаммолар тўсиқ бўлмоқда. Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот олийгоҳи, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси «уйқу»дан уйғонса яхши бўлар эди. Вилоят маданият ва спорт бошқармаси томонидан туман ва шаҳар маданият уйи қошидаги дасталарнинг истеъдодлари қувватланса, «Омонёр» дастаси ҳам эътиборга олинса, халқ фольклор санъатимиз яна жонланар эди...

**- Аяжон, суҳбатингиз учун катта раҳмат!**

- Сиз ҳам соғ бўлинг. ҳар бир юртдошимизнинг боши тўйдан, яхши ва қувончли кунлардан чиқмасин. Хонадонларидан файз-барака аримасин!

**Суҳбатдош:**
**Мухтор Сулаймонов,**
**Қўқон**




Шавкат Музаффаров чизган сурат

## 114 ёшли бўйдоқ

Украиналик Григорий Нестор бўйдоқлар орасида ўзига хос рекорд ўрнатди. У 114 ёшга кирса ҳамки бўйдоқликка содиқ қолиб келмоқда. Григорий бобо аслида умуман чекмайди. Лекин ҳар замонда қиттак-қиттак отиб туришни канда қилганича йўқ. Ундан «узоқ умр кўришингизнинг сабаби нимада?» деб сўралганда «балки, уйланмаганимдандир», деб жавоб беради кулиб.

## *Кўтар мени*

*Олма уздим билмай беҳишт боғларидан,*
*Озор топдим бағри бутун-соғларидан,*
*Момо Ҳавом овутолмас доғларидан,*
*Кўнглим, сени кўтармоғим қийин энди,*
*Кўтар мени, қолганлари кейин энди.*

*Шодлик дея талпинганим ғамга дўнди,*
*Умидларим киприкдаги намга дўнди,*
*Висол чоғим видолашув дамга дўнди,*
*Кўнглим, сени кўтармоғим қийин энди,*
*Кўтар мени, қолганлари кейин энди.*

*Вақт аёвсиз, кунларимни олиб кетар,*
*Ваъдалардан адашганлар қолиб кетар,*
*Ғанимларим ғолиб энди, ғолиб кетар,*
*Кўнглим, сени кўтармоғим қийин энди,*
*Кўтар мени, қолганлари кейин энди.*

***• Нафосат***

## *Кўзимнинг ёши*

*Кузнинг нам ҳавоси жонимга чўкар,*
*Титрайди аёзда бу қайноқ вужуд.*
*Япроқлар дарахтнинг кўз ёши — тўкар,*
*Баҳор ташлаб кетди, баҳорни унут.*
*— Мен фақат ўзингни севаман девдинг,*
*Айт, нега кўзимнинг ёшини севдинг?*

*Увушиб бормоқда ботинимда руҳ,*
*Ва сўниб бормоқда ҳаяжон... Лекин*
*Ёмғир деразамни чертмоқда-ку шўх,*
*Урилар хотирга акс-садо бетин.*
*— Мен фақат ўзингни севаман девдинг,*
*Айт, нега кўзимнинг ёшини севдинг?*

*Қорачўғларимдир ҳижроннинг жоми,*
*Бўшатганим сари тўлмоқда такрор.*
*Бир оғриқ - соғинчми, нафратми номи,*
*Хайрлашаётир — Армон, яхши бор.*
*— Мен фақат ўзингни севаман девдинг,*
*Айт, нега кўзимнинг ёшини севдинг?*

**НАСИБА ДИЛСЎЗ**



## Х ОҲ ИШОНИНГ, ОҲ ИШОНМАНГ

### От айланиб қозиғини топибди

**Америкалик машҳур актёр Чарльз Когден 1899 йили гастролда юрган пайтида кичкина бир шаҳарда оламдан ўтади ва шу ерга дафн қилинади. Бир йилдан кейин катта довул бўлиб бу шаҳарни вайрон қилади. Довул дафн қилинган Чарльзнинг тобутини улоқтириб уммонга чиқариб ташлайди. Тобут уммонда сузиб, роппа-роса 9 йил давомида 6 минг километр масофани босиб ўтади ва ниҳоят марҳум туғилиб ўсган соҳилга етиб келиб қўним топади.**

### Бўлиши мумкин экан

**1975 йили АҚШнинг Детройт шаҳрида 14 қаватли уй деразасидан кичкина бола шу уйнинг олдидан ўтиб кетаётган Джозеф Фиглукнинг бошига қулаб тушган. Лекин ҳар иккиси омон қолган. Бир йилдан кейин худди шу куни Фиглук шу кўчадан тасодифан яна ўтади. Яна ўша бола унинг бошига қулаб тушади. Болага бир йил давомида анча вазн қўшилган бўлса-да, иккисига ҳам яна ҳеч қандай зарар етмаган.**

### Бир зумда чет элликка айланди

**Кўпчилик одамлар тил ўрганиш учун анча-мунча машаққат чекади. Баъзилар эса... Мисрлик Абдел Хумер уйи тепасидаги телевизор антенасини тузатаётиб эҳтиётсизлик оқибатида пастга қулаб тушади ва икки кун ҳушсиз ётади-да, учинчи куни уйғониб немисча сўзлай бошлайди.**

***Г.ДИЛМУРОДОВА тайёрлади.***

Аввал доллар, кейин евро... мана энди Осиё валютаси ҳам пайдо бўлаётгани ҳақида турли хил миш-мишлар тарқай бошлади. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Шу йилнинг декабр ойида Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда Шарқий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиши кутилмоқда. Унда Осиёда ягона валюта яратиш масаласи кўрилиши мумкин.

## Осиё валютаси чиқадими?

Айтишларига қараганда, АСЕАН уюшмасига кирувчи ўнта давлат Бруней, Вьетнам, Индонезия, Таиланд, Филиппин ва шунингдек, Хитой, Япония ҳамда Жанубий Корея мамлакатлари минтақада ягона пул бирлиги яратиш юзасидан анчадан бери музокаралар ўтказиб келмоқдалар.

Бу борада Европа иттифоқи намунаси ҳам муайян роль ўйнаган, қолаверса, Осиёда ягона валютанинг жорий этилиши минтақадаги мамлакатларни иқтисодий бўҳронларни биргаликда енгишларига шароит яратиш мумкин. Бундан ташқари, ягона валюта ўзаро қўшни мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий алоқаларни янада кучайтиришига шубҳа йўқ.

**М.РАҲМАТОВ тайёрлади.**

***• Спорт оламида***

**БОКС**

### Мусобақа якунланди

Хитойнинг Менян шаҳрида бўлиб ўтган ҳаваскор боксчилар ўртасидаги XIII жаҳон чемпионати ўз якунига етди. Дунёнинг 50дан ортиқ мамлакатидан кучли боксчилар ўзларининг нималарга қодирлигини исботлаш учун рингга кўтарилишди. Мусобақада мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари ҳам қатнашишди.

Чемпионатнинг эътиборли томони, финал баҳсларида асосан уч мактаб тарбияланувчилари бир-бирларига рақиб бўлишди: булар Россия, Куба ва Қозоғистон шарафини ҳимоя қилган спортчилардир. Афсуски, юртдошларимиз уларга билдирилган ишончни оқлай олишмади. Боксчиларимиз юртимизга олтин медалсиз қайтишди. 64 кг вазн бўйича рингга кўтарилган Дилшод Маҳмудов финалда қозоғистонлик рақибига имкониятни бой бериб, кумуш медал билан кифояланди. Ўткирбек Ҳайдаров ва Жасур Матчонов эса ўз вазнларида учинчи ўринни эгаллашди. Уларга кейинги баҳсларда омад тилаймиз.

### Кличкога нима бўлди?

Спорт оламида яна бир шов-шувли хабар тарқалди. Виталий Кличко ва америкалик Хасим Раҳмон ўртасидаги «жанг» кечиктирилди деб хабар беради ИТАР ТАСС ахборот маҳкамаси.

Лас-Вегасда катта Кличко машқ қилаётган пайтда тиззасидан жиддий жароҳат олган. Гарчи украиналик боксчи тиззасини маҳкам боғлаб машғулотларга чиқса ҳам фойдаси бўлмади. Охири у ноилож жангда қатнашмаслигини билдирди. Жанг ноябр ойининг ўрталарига белгиланган эди. Эслатиб ўтамиз, Виталий энг муҳим учрашувни ўтган йилнинг декабр ойида ўтказганди. Ўшанда WBC оғир йўналиши бўйича чемпионлик жангида британиялик Денни Уильямсни нокаутга учратган.

Умуман олганда, ушбу учрашувнинг «оёғи» оғир келди. Кличко ва Хасим Раҳмон ўртасидаги биринчи «жанг» 30 апрелга мўлжалланган эди. Виталий ёнбошидан жароҳат олгани туфайли рингга чиқолмаганини баён қилган. Шундан кейин машқ жараёнида у яна белидан шикастланди ва иккала боксчининг менежерлари жанг муддатини узайтиришга келишиб олдилар.

**ФУТБОЛ**

### Бахтли 32 жамоа

Ўтган ҳафта Германия яшил майдонларида ўтказиладиган Жаҳон чемпионатига чиқиш учун бўлиб ўтган "плей-офф" саралаш учрашувларидан кейин бахтли 32 жамоа маълум бўлди. Икки йилга яқин давом этган саралаш ўйинлари олти қитъадан энг кучли жамоаларни танлаб берди. Бу галги баҳслар "сенсация"ларга бой бўлди. Айниқса, Африка қитъасидан Нигерия, Камерун, ЖАР каби жамоалар қолиб, футбол оламига нотаниш бўлган Ангола, Того, Кот Д'Ивуар каби мамлакатларнинг "мундиал"га йўл олиши кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлди.

Юртдошларимиз эътиборини эса Осиё вакили Баҳрайн терма жамоаси ўзига тортди. Ўтиш турнирида Ўзбекистон терма жамоасини саралаш ўйинларидан чиқариб юборган баҳрайнликлар Тринидад-Тобагога ўз майдонида ютқазиб қўйиб, Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлдан чиқарди.

ЖЧ-2006 финал босқичи йўлланмасини қўлга киритган терма жамоалар:

**ЕВРОПА:** Англия, Германия, Голландия, Испания, Италия, Польша, Португалия, Сербия, Украина, Франция, Хорватия, Чехия, Швейцария, Швеция.

**ЖАНУБИЙ АМЕРИКА:** Аргентина, Бразилия, Парагвай, Эквадор.

**АФРИКА:** Ангола, Гана, Кот Д'Ивуар, Того, Тунис.

**ОСИЁ:** Эрон, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Япония.

**КОНКАКАФ:** Коста-Рика, Мексика, АҚШ, Тринидад-Тобаго.

**ОКЕАНИЯ:** Австралия.

**С.ШОШИЙ тайёрлади.**


**Milliy tiklanish**

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ | Бош директор: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

*Таҳрир ҳайъати:*
Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Раъно ЗАРИПОВА, Хайриниса МИРЗАЖОНОВА, Шарифа САЛИМОВА, Абдуҳафиз СИДДИҚОВ, Жаннат ТОШМАТОВА, Олим ЎСАРОВ, Мунира ҚОРИЕВА

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 125. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1502. Сотувда эркин нархда

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Навбатчи муҳаррир — 158

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00